

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Кун иқтисоди

Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун стратегик вазифа. Бизнес таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада муҳасам. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қуш бўлганча – барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳар бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшаши керак. Биз катта иқтисод эгалари бўлган бизнес вакилларини асрашимиз, авайлашимиз зарур. Улар биз учун жуда қадрли инсонлар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Энергетика тизими: ТУРҒУНЛИКДАН ТАРАҚҚИЁТ ТОМОН

ёхуд оғир иқтисодий-сиёсий меросдан кутулиш осон кечмаётгани хусусида

>> 3

Эътироф

Али бин Абдуллоҳ
Аз-Заджалӣ,
Ўмон Султонлиги Савдо
саноат палатасининг
Жанубий Аш-Шарқия
муҳофазасидаги
бошқармаси раиси
Ўринбосари,
«Energy & Mining»
компанияси
директори



– «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида «Яшил» иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин оширишга оид вазифалар белгилаб олингани, ушбу мақсад доирасида 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини

25 минг мегаваттга,
жами истеъмолдаги улушини эса

54 фоизга

етказиш белгилангани алоҳида эътирофга молик. Ўзбекистон ҳукумати ўмонлик инвесторларга солиқ имтиёзлари ва сармояларни ҳимоя қилиш каби имтиёзларни ҳам тақдим этмоқда.

Иқтисодиётни либераллаштириш, хорижий компанияларга нисбатан чекловларни камайтириш, иқтисодий тартибларни соддалаштиратгани инвесторларимиз учун жуда муҳим.



uza.uz

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашди. Видеоселектор шаклида ўтган мулоқотда соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг янги тайинланган элчиси Саидқом Ниёзхўжаев Қирғизистон президенти Садир Жапаровга ишонч ёрлигини топширди.

Индонезия пойтахтидаги «Истиклол» масжидида «Имом Бухорий: Ўзбекистон ислом санъати» номли кўргазма очилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқуллов ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Марказий Осиё ва Мўғулистон бўйича етакчи минтақавий иқтисодчиси Ана Кресич ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Марказий Осиё халқаро институтда «Чингиз Айтматов: алабий мерос, фалсафий ва сивсий қарашларда замоналар ва маданиятлар уйғунлиги» мавзусида ижодий учрашув ўтказилди.

Тошкент шаҳрида «Энергия самарадорлиги – 2024: замонавий технологиялар – Ўзбекистон энергетикаси ривожининг асоси» мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

Биламизки, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тизими 2024 йил 1 январдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилган эди. Тизимнинг тубдан ислоҳ қилиниши ижтимоий ёрдамнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ

Янги тизим сабаб қисқа фурсатда

1,7 миллиондан ортиқ

оворагарчилиқнинг олди олинди

Фактлар сўзлаганда



САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида ушбу видео

146 000

марта кўрилган.



Сизга ҳам тавсия этамиз!

Ўтган даврда:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали

1 миллион 208 мингдан зиёд

кам таъминланган оиллага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланди.

Оилада янги туғилган фарзанд учун нафақа миқдорини автоматик ҳисоблаш йўлга қўйилди. Натижада 98,3 мингта оиланинг нафақаси ариза талаб этилмасдан қайта ҳисобланди.

Кам таъминланган оилаларга нафақаларни тайинлаш учун аризаларни «онлайн режим»да қабул қилиш тизими жорий этилди. Бу, ўз навбатида,

1,7 миллиондан ортиқ

оиллага ортиқча қоғозбозликсиз ва оворагарчилиқсиз нафақа тайинлаш имконини берди.

2024 йил 1 майдан бошлаб, реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахслар учун 648 минг сўмлик моддий ёрдам жорий этилди (уй-жой коммунал хизматларига тўлов қилиш бўйича компенсация ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун ҳар ойда қўшимча пул тўловлари учун).

7 мингдан ортиқ

ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар қамраб олинди. Ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари шаклланишини босқичма-босқич бозор таъминловига ўтказиш жараёнида

1,1 миллион

кам таъминланган эҳтиёжманд оиллага бир марталик моддий ёрдам (270 минг сўм) тўловлари тўлаб берилди.

Шунингдек, иситиш мавсумида табиий газ учун ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган **250 куб метргача**, электр энергияси учун ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган **150 кВт соатгача** истеъмол учун компенсация қилиб бериш тизими жорий этилди.



Убайдулла ОМОН:
ҲАР БИР ИЖРО – ИМТИҲОН



Жиззах шаҳридаги «Турон» маҳалласида истиқомат қилувчи Замира Мўминованинг соғлиғида муаммолар юзага келиб, ҳаракатланишда қийинчиликларга дуч кела бошлади. Қандли диабет хасталиги, бир буйраги йўқлигидан азият чекаётган аёлга инсульт дард устига чипқон бўлди. Шундан сўнг чап томони бутунлай ишламай қолди.

Онанинг аҳолига кўз юмиб тура олмаган Фотима Калимонова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди ва 3.Мўминовага ногиронлик гуруҳи белгилашда амалий ёрдам сўради.

Мурожаатни ўрганиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқармаси, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ва 33-Жиззах туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) масъул ходимлари беморнинг уйда бўлишида ўрганишлар

Ижобий ечим

асноси 3.Мўминовага I гуруҳ ногиронлиги мuddатсиз белгиланиб, уни ногиронлик аравачаси билан таъминлаш тавсия этилди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 апрелдаги «Муҳтож шахсларни протезортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 253-қарори талаблари асосида беморни ногиронлик аравачаси билан таъминлаш учун электрон

тизимга маълумотлар киритилиб, тез кунларда ногиронлик аравачаси етказиб берилди.

Муқимбой
ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Касаба уюшмаси аралашгач...

«Мушкуллим ариди»

Илҳом Юнусов 2020 йилда Фарғона шаҳридаги «O'z-Hanwoo Engineering» қўшма корхонасига юк автомобили ҳайдовчиси бўлиб ишга жойлашди. 2023 йил ноябрь ойида хизмат вазифасини бажариш учун юк орттирган автоуловидан Андижон вилоятига йўл олди. Аммо ортга қайтаётганида бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, қўл-оёғи синди.

Шундан сўнг анча муддат шифохонада даволанди. Тегишли тиббий хулосага кўра, Илҳом Юнусовга III гуруҳ ногиронлигини тайинлаш ҳамда касбий меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражаси 35 фоиз деб белгиланди.

Бу орада иш берувчи турли-туман баҳоналар билан зарар пулларини тўлашдан бўйин товлаб юрди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, иш берувчи меҳнат вазифасини бажариш чоғида саломатлигини йўқотган ёки бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, тан жароҳати олган ходимга зарар пули тўлаб бериши шарт.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича иш берувчи ва суғурта компаниясига тегишли тартибда тақдимнома киритилди. Ниҳоят, Илҳом Юнусовга ногиронлик нафақаси тайин-

ланди. Шунингдек, суғурта компаниясидан унга 60 миллион 898 минг сўм зарар пули ундириб берилди.

– Касал ҳолида ҳали суғурта компанияси, ҳали иш берувчининг оstonасида сарғайдим, – дейди Илҳомжон Юнусов. – Кўп идораларга бош уриб бордим. Лекин касаба уюшмаларига мурожаат қилмагунимча ишим битмади. Уларнинг кўмағида мушкуллим ариди.

Мансуржон ХАТАМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Масала ходимлар фойдасига ҳал бўлди

Гап шундаки, марказ раҳбари қутилмаганда узоқ йиллардан буён турли лавозимларда ишлаб келган 9 нафар ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилди. Бунга уларнинг малакаси етарли эмаслиги баҳона сифатида кўрсатилди.

Давлат меҳнат назорати инспекциясининг ўрганишлари натижасида иш берувчининг важлари асоссиз экани ойдинлашди. Яъни меҳнат шартномаси қонунга зид равишда бекор қилинган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 164-моддаси 1-қисмида кўрсатилган талабга кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшма кўмитасининг розилиги олиниши керак эди. Аммо иш берувчи бу талабни бажармаган.

Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги қарорига биноан агар ходим ўз вазифасини удаласан, меҳнат шартномасини 161-модданинг 3-банди бўйича бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Касаба уюшмаларининг аралашуви билан масала ходимлар фойдасига ҳал бўлди. Энди иш берувчи ушбу ходимларнинг бекор юрган кунлари учун ҳам товон пули тўлаши керак.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Зарар тўлови ундирилди

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бухоро вилояти филиали транспорт бўлими ҳайдовчиси Сулаймон Йўлдошевга тез тиббий ёрдам автомашинаси бириктирилган. У бўлимга қарашли ёниғли қуйиш шохобчасида бахтсиз ҳодисага учради. Яъни музга сирпаниб йиқилиши оқибатида оғир тан жароҳати олди.

Махсус комиссия далолатномасига кўра, бу ҳолат иш билан боғлиқ деб топилди. Тегишли қонун талабига биноан жабрланувчига иш берувчи томонидан 21 257 590 сўмлик бир йўла нафақа тўловлари, 10 363 075,19 сўмлик ойма-ой зарар тўловлари тўлаб берилган. Тармоқ жамоа шартномаси талаби бўйича ходимнинг икки йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови белгилаб берилгани муносабати билан унга тармоқ ва жамоа шартномаси талабларига биноан иккинчи йил учун ҳам 21 257 590 сўм миқдоридан бир йўла нафақа тўлови тўлаб берилиши лозим эди. Аммо иш берувчи ушбу тўловларни тўлашни пайсалга солди.

Шундан сўнг касаба уюшмалари вакиллари аралашуви билан ушбу масала судга оширилди. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди жабрланувчи фойдасига қарор чиқарди. Натижада Сулаймон Йўлдошевга иккинчи йил учун тўланмаган 21 580 024 сўм миқдоридан бир йўла нафақа тўлови ҳамда қўшимча тўловлар ундириб берилди.

Иброҳим БЕРДИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Самарали музокара

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига «UZ-HANWOO» МЧЖ ҚҚнинг бир гуруҳ ходимлари ойлик маошлари кечиктирилаётганидан норози бўлиб, мурожаат йўллашди.

Ҳолатни ўрганиш асносида ишчиларнинг сентябрь-октябрь ойларидаги иш ҳақи тўлаб берилмаётгани ойдинлашди. Бу ҳақда «UZ-HANWOO» МЧЖ ҚҚ раҳбарияти билан тегишли тартибда музокара ўтказдик. Шу жараёнда улар корхона ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар қисқа муддат ичида тўлиқ тўланишига ваъда бердилар.

Касаба уюшмалари фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ойлик маошдан қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Феруза
АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Иш берувчи ноҳақ эди

Х.Шарипов сув спортига ихтисослаштирилган спорт мактабидан кўп йиллардан буён йўриқчи-услубчи вази-фасида ишлаб келган. Аммо шу йил 29 июль кунини у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган.

Х.Шарипов бундан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади.

Ўрганишлар мобайнида ходимнинг ҳақлиги, иш берувчининг эса ноҳақлиги маълум бўлди. Яъни раҳбар ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қиларкан, Меҳнат кодексининг тегишли бандларига зид равишда иш тутган.

Ушбу ҳолатлар иш берувчига юборилган кўрсатма хатида батафсил баён этилди. Раҳбариятдан ходимни ишга тиклаш сўралди. Лекин мактаб директори буни инобатга олмайди. Алалоқибат масала фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига олиб чиқилди. Ҳақамнинг яқдил қарори билан Х.Шарипов ўз вази-фасига тикланадиган, шунингдек, мажбурий проғул кунлари учун иш берувчидан унинг фойдасига 34 миллион 39 минг 831 сўм ундирилади-ган бўлди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Термизлик Фарҳод Чоршанбиев 2017 йилда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига умумий бўлим етакчи мутахассиси лавозимига ишга қабул қилинди. 2024 йилнинг 26 февралда штатлар жадвалида ўзгариш бўлиши эҳтимоли ҳақида ёзма равишда оғохлантирилди. Муддат тугагач, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Аммо ходимни ишдан бўшатиш жараёнида қатор қонунбузилиш ҳолатлари рўй берган эди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Қонунни менсимаслик оқибати

Жумладан, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида «Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра, интизомий жазо беришга, меҳнат шартномасини бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди», деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, иш берувчи ходимни вази-фасидан озод этаётган пайтда касаба уюшма кўмитасининг розилигини олманган. Бу Меҳнат кодексининг

144-164-моддалари талабларига зид.

Ходимнинг ҳақ-ҳуқуқини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига киритган даъво аризамиз тўлиқ қаноатлантирилди. Яъни иш берувчининг ноқонуний буйруғи бекор қилинди. Ф.Чоршанбиев аввалги лавозимига тикланди ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан унинг фойдасига 33 миллион 103 минг 102 сўм иш ҳақи ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Қисқаси, қонунни писанд қилмаслик иш берувчига қимматга тушди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

1211

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





Энергетика тизими: турғунликдан тараққиёт томон ёхуд оғир иқтисодий-сиёсий меросдан кутулиш осон кечмаётгани хусусида

Ха, шундай. Мамлакатимизда энергетика тизимлари узоқ йиллар, очик айтганда, совет замонларидан буёғига даярли ислох қилинмаган эди. Бунинг устига жамиятимизда аҳоли сонининг кескин ўсиши ҳамда кейинги 7-8 йилда санаот корхоналари ва кичик бизнеснинг жадал ривожланиши ушбу тизим камчиликларини юзага чиқарди ва бу ҳолат аҳоли турмушида акс этди. Аммо бу манзара Ўзбекистонда энергетика соҳаси ўлди, энди бунинг тиклашнинг иложи йўқ, тақдиримиз шу, дегани эмас. Шукрки, давлат тизимни янгилаш, замонавий лойиҳаларни соҳага жорий этиш бўйича катта ишларни амалга ошираётган. Тўғри, чироқ ва газ бўйича мавжуд бўлган бугунги кескин муаммоларда давлат ва ҳукуматнинг ҳам айби бор. Бу андиша билан боғлиқ. Яъни бугунги ҳукумат халққа юзланиб, «бу камчиликлар мустақилликдан кейинги 25 йил соҳага панжа ортидан қарашнинг оқибати», деган гапни айтмаётган. Оғир босиқлик билан мақсад сари интилмоқда. Бугун айнан шу соҳада амалга оширилаётган тарихий жараёнлар ҳақида фикрлашишни мақсад қилдик.

Поёнига етаётган йилни чин маънода, Ўзбекистон йили, ўзбек халқи йили бўлди, десак бўлади. Чунки шу йил давомида Ўзбекистон номи халқро майдонларда жуда кўп янгради, байрогимиз жуда кўп кўтарилди, мадҳиямиз қайта-қайта жанр кучи сочди. Ўзбекистон ташаббуслари дунёнинг нуфузли халқро ташкилотларида фаол кўллаб-қувватланди, улар асосида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Дунёда Ўзбекистон номли мамлакат ўз максадлари йўлида қатъий ва шиддат билан олға интилаётганига кўп бор гувоҳ бўлди. Ислохотларимиз нақадар самарали эканини, ортага қайтмас тус олганини эришяётган ютуқларимиз, қўлга киритаётган муваффақиятларимиз мисолида яққол кўрди, билди ва англамоқда.

Бугун дунё бекорор. Сиёсий вазият қалтис. Ишончдан ишончсизлик устувор бўлиб бораётган. Бундай шароитда мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик, олдидан, келди-кетди муносабатлари ҳам жуда мустақамланиб кетавермади. Жаҳонда янгидан шаклланаётган зиддиятчи ҳолатлар давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқирозга учраётганидан далолат. Гуёки, бир тарихий давр тугаб, башорат қилиш мушкул бўлган янги давр бошланаётгандек.

Бундай мураккаб шароитда хавфли муаммолар гирдобидан чиқилиши ягона йўли самарали мулоқот, ҳар бир томон манфаатини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама натижадор халқро ҳамкорликдир. Ўзбекистон сиёсати ана шу иккиланган йўқотаётгани, алоқаларни қатъий ишонч орқали мустақамлашга қаратилгани билан дунёни ўзига жалб қилмоқда. Бугун дунё Ўзбекистонни мана шундай давлат, унинг Президентини катта дипломат, ташаббускор шахс сифатида кўрмоқда. Учрашувларда, тадбирларда, сафарларда бу бот-бот такрорланмоқда. Давлатлар, дунё бозоридан ўз ўрнига

эга энг обрўли компания ва корпорациялар, брендлар биз билан ишлашга ҳаракат қиляпти.

2024 йилнинг 13 декабри. Мазкур сана Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ташаббусга бой бўлган яна бир кун сифатида тарихда қоладиган бўлди.

Гап шундаки, ушбу кун Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий химоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан катта йиғилиш бўлиб ўтди. Иккинчи воқеа: энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Мен нима учун мазкур тадбирларни тарихий ва халқро микёсда аҳамиятли, деяпман? Аввало, Бош қомусимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги белгилаб қўйилди. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк маробата ушбу сифат Конституциямизга киритилди. Яъни, Ўзбекистонни ижтимоий давлат эканлигини дунё билди. Шу жиҳатдан йиғилишда кўтарилган масала ва ташаббусларнинг дахлдорлик чегараси ортади.

Энергетика тизимидаги янги қувватлар ҳам халқро аҳамиятга эга. Қандай? Биринчидан, бугун дунё энергетика инқирози чегарасида. Тақчиллик тобора сезилмоқда. Табиий ресурслар тугаб бораётган. Аксарият курашлар ана шу ресурслар ортидан келиб чиқмоқда. Бунинг чораси эса инновация ва муқобил энергия. Янада аниқроқ қилиб айтганимиз бўлса, «яшил» энергия манбаларини яратиш ва ривожлантириш. Келажак «яшил» энергияга, иқтисодиёт «яшил» технологияга, ҳаёт экологик тоза ташаббусларга боғлиқ бўлиб қоялти.

Очиғи, яқин вақтларга уйимизда тез-тез чироқ ўчиб қолишини табиий ҳолдек қабул қилар эдик. Одамлар, хатто, ток қачон ўчиб, қачон келишини олдиндан айта оларди. Чунки бу одатий ҳолга айланганди. Бошқа иложимиз ҳам йўқ эди. Юқорида келтирганимиздек, мамлакатимиз энергия тармоғи узоқ йиллар эътибордан четда қолди. Тармоқлар эскирган, усуналар ўз иш муддатини ўтаб бўлганди. Қўшни давлатлардан олинанидан ёки биздан қўшни давлатларга берилганидан алоқалар каби линиялар боши берк кўчага кириб қолганди. Оддий қилиб айтганда, ҳамма ўзидан ўтганини ўзи биларди. Соҳани модернизация қилишга журъат, журъат учун эса маблағ зарур эди.

Бундан саккиз йил олдинги вазият мамлакат раҳбари олдида энергетика соҳасида ҳам етарлича масалаларга ечим топиш вазифасини кўярди. 2016 йил Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатида мислсиз фаоллик, ўзгаришлар даври бошландики, бунинг самараси энергетика соҳасида ҳам сезила бошлади.

Сўнгги пайларда аҳолининг энергияга мавсумий эҳтиёжи кескин ошиб бораётган. Бу барча электр тармоқларини, яъни генерация жараёнидан тортиб электр энергияси транспортировкаси ҳамда тақсимлаш

жараёнини ҳам яхшилашни тақозо этади. Энергетика тизимида самарадорлик таъминланмай, барқарор энергия таъминотига эришиб бўлмайди. Қолаверса, кескин иқлим ўзгариши, аномал иссиқ ва совуқ туфайли кузатилаётган ҳолатлар энергия таъминотидаги турли камчиликларни юзага чиқармоқда. «Яшил» энергия ишлаб чиқариш борасидаги чоралар ана шу нуқсонларни, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Умуман, бугун дунё «яшил» энергияга келажак энергияси сифатида қарамоқда. Уни ривожлантириш чораларини кўрмоқда.

Эсингизда бўлса, бундан роппа-роса бир йил аввал, яъни 27 декабрь куни мамлакатимизнинг олтига ҳудудда 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станциялари ишга туширилган эди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, «...Биз бугун амалга ошираётган улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислохотларнинг навбатдаги қадами-дир. Бу чора-тадбирларни тизимли давом эттириб, рақобатли бозор механизмига боғичма-боғич ўтатишимиз. Хозир мамлакатда 9 гигаваттга 22 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш лойиҳалари устида ишляпимиз. Хорижий компаниялар билан сермахсул ҳамкорлигимизни тобора кенгайтириб борамиз», деганди.

Жорий йилги лойиҳалар ана шу сўзларнинг амалий исботи бўлди. Ўзбекистон 2030 йилгача «яшил» энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш орқали ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташланмаларни 34 миллион тоннага қисқартириш мақсади йўлида дадил одимлаётганини яна бир қарра исботлади.

Соҳада муаммолар шунчалик кўп эдики, уларни бирданга ҳал этиб бўлмади. Шунинг учун бу борадаги ишларга ҳам оғир-вазминлик билан, пухта режалар асосида киришилди. Аввал кичик лойиҳаларга қўл урилди. Тажриба ўзига хос синовлардан ўтказилди. Хусусан, 2021 йилда Навоий вилоятида биринчи йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Бу мамлакатимиз энергетика соҳасида муқобил энергия ишлаб чиқаришга дастлабки уриниш бўлди. 2022 йилнинг май ойида Самарқанд вилоятида иккинчи 100 МВт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. 2023 йил декабрь ойида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида 220 МВт қувватли қуёш, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 220 МВт қувватли қуёш, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида 200 МВт, 2024 йил 2 май куни яна 100 МВт қувватли қуёш, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида 2023 йил декабрь ойида 200 МВт, 2024 йил 2 май куни яна 100 МВт қувватли қуёш, 2023 йил декабрь ойида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида 457 МВт қувватли ва 2024 йил 2 май куни Тошкент вилоятининг Юқорги Чирчиқ туманида умумий қуввати 200 МВт бўлган қуёш фото электр станциялари ишга туширилган.

2022 йилда Туркия компаниялари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 4 вилоятида (Бухоро, Тошкент, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари) умумий қуввати 1 374 МВт бўлган 6 та ИЭС ишга туширилди. Ўзбекистон тарихида бир йилда мана шундай йирик ҳажмдаги янги иссиқлик электр станциялари ишга туширилган эди.

Бундан ташқари, 2023-2024 йилларда Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси томонидан Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри ва Боёвут туманлари ҳудудида қуввати 1 500 МВт бўлган 1 та янги ИЭС ишга туширилди. Бу ҳам юртимиз равнақидаги олтин ҳарфлар билан битилажак саҳифалардан бири бўлади. Шундай қилиб, бу борада охириги 6 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича яратилган янги қувватлар ҳажми 8 192 мегаваттдан ошди. Бу аввалги 25 йилдаги нисбатан қарийб 2,5 баробар кўпни ташкил қилади (Маълумот учун: 1991-2016 йилларда 3 300 МВт қувват ишга тушган).

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихида биринчи марта аҳоли хонадонидан ўрнатилган қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўтган 5 йилда Ўзбекистонда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати 24 млрд. 180 млн. долларга тенг 47 та битим имзоланди (қуёш, шамол ва гибрид станциялар учун 19 млрд. 320 млн., иссиқлик электр станциялари бўйича 4 млрд. 860 млн. АҚШ доллари). Бу Ўзбекистонда инвесторлар томонидан 47 та замонавий электр станция қурилади, дегани.

Таҳлилларга кўра, сўнгги етти йилда янги қурилган электр узатиш тармоқлари ҳажми 1991-2016 йиллар оралиғидан нисбатан 8,5 баробар кўп. Аниқроғи, 2017-2023 йилларда республикамиз бўйлаб 79 минг 675 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари янгиланган. 1991-2016 йилларда эса бор-йўғи 9 минг 300 километрлик электр узатиш тармоқлари модернизация қилинган, холос. Бунинг натижасида 8 мингдан ортиқ маҳалланинг электр таъминоти яхшиланди. Бу ҳам Ўзбекистон тарихида мисли қўрилмаган натижа ҳисобланади.

2023 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 19 млрд. кВт-соат ёки 32,2 фоиз кўпни ташкил этди. 2016-2023 йилларда республика истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлаш (етказиб бериш) кўрсаткичи 2016 йил - 45,7 млрд. кВт-соатни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб - 66,1 млрд. кВт-соатга етди. Шу давр ичида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми 20,4 млрд. кВт-соат ёки 44,6 фоиз кўпайди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Қулайлик яратилган, муҳит яхшилашнинг сари ривожланиш кўлами ҳам кенгайиб бораверади. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, республикамизда 2024 йил 1 ноябригача санаот соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 113

797 тани ташкил этади. Ваҳоланки, 2020 йилда улар сони 86 652 та эди.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 608 930 тага (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) етиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111 фоизни ташкил этди. Сўнгги беш йилнинг мос даврларидаги динамикасини оладиган бўлсак, 2019 йилда 344 085 та, 2020 йилда 424 395 та, 2021 йилда 503 308 та, 2022 йилда 548 415 та, 2023 йилда 608 930 тага етди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда замонавий уй-жойлар барпо этиш йўлида ҳам катта ютуқларга эришилди. 2017 йилдан бугунга қадар республикамиз бўйлаб жами 394 898 та хонадондан иборат 7 888 та уй-жой барпо этилди. Мамлакатимизнинг демографик ўсиш суръати янги уйларга бўлган талабни тобора ортирмоқда. Шу боис, жорий йилда 2,5 минг гектар ҳудудда 53 та «Янги Ўзбекистон» массивлари бунёд этилмоқда. Келгуси беш йилда айнан шундай массивларда яна 100 мингдан зиёд оилани уй билан таъминлаш режалаштирилган.

Биз бугун кичик халқ эмасмиз. Нуфусимиз 37,5 миллионлик маррани забт этди. Яқин келажакда 50 миллионга етиши кутилмоқда. Буларнинг бари ҳаётини заруратга айланган электр энергиясиз бўлган талабни янада оширади. Қўрилган, қўрилаётган чоралар, режалаштирилган лойиҳалар халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, «яшил» энергетикани қўллаб-қувватлаш ишлари изчиллиги таъминланаётганининг боиси ҳам шунда, аслида.

Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Мазкур масалага жиддий эътибор 2015 йилда Парижда ўтказилган БМТнинг иқлим иссиғига бағишланган конференциясида 195 мамлакат томонидан глобал иссиқ даражасини ушлаб туриш сиёсатини қабул қилиши билан белгиланди. Ушбу конференцияда 147 мамлакат ўзининг «яшил иқтисодиёт» бўйича режаларини муҳофазат қилди, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича дастурларни тақлиф қилади, 167 мамлакат иқлим имкониятларидан келиб чиқиб ўз энергия самарадорлигини ошириш тавсияларини тақдим этди.

Мутахассислар, экологлар, олимлар фикрига таянган бўлса, бугун дунё мамлакатларининг «яшил» энергияга бўлган кўпроқ эътибор қаратаётганининг бир неча сабаблари бор. Энергетик ва экологик муаммолар ҳал қилиниши, ривожланаётган мамлакатларнинг ўсиб бораётган иқтисодиётининг энергияга ортиб бораётган талаби, энергиянинг барча бирдек мавжудлигини таъминлаш ва энергетик қашшоқлик ёки қарамликдан қутулиш шулар сирасидан.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан энергия ресурслари захираларига боғлиқ. Хозиргача дунёда аниқланган табиий энергия манбалари захиралари энергия истеъмолининг бугунги кун даражасида истеъмол қилинса, 54 йил давомида энергияга бўлган эҳтиёжимизни қондириш имконини беради, холос. Бироқ маълумки, жамият ва иқтисодиёт доим ҳаракатда. Ривожланиш ва иқтисодий ўсиш эса энергияга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади. Шу боис, анъанавий энергия манбалари захиралари камайиб бораётган шароитда қайта тикланган энергия манбалари долзарблиги ортиб бораверади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда энергетика соҳасини жадал ривожлантириш, турли геосиёсий ва геоиқтисодий «тузоқ»лардан холи бир тармоққа айлантириш борасида истиқболли стратегик лойиҳалар амалга оширилаётган. Қўнчилик оддийгина чироқ ёки уйимизда ёниб турайдиган газнинг сиёсатига нима олақаси бор, деб ўйлайди. Аммо сиёсат манфаатлар устига қурилишини қўнчилик тушунамайди. Бундай амбициялар эса кўп ҳолларда иқтисодиёт, айниқса, энергетика атрофида шаклланишини одамларни жуда кам иброк қилишади. Шу маънода, бугун аниқ тизимда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари, ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг озодлигини ўйлаб амалга оширилаётган буюк ва тарихий ишлардир, десак сира адашмаган бўламиз.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

УМР КИТОБИНИНГ ЯНА БИР АЗИЗ САҲИФАСИ БЎЛМИШ ЯНА БИР ЙИЛНИ ЯШАБ ЎТМОҚДАМИЗ. ИНСОН ҚАЛБИ ҲАМИША ҚУВОНЧАК ИНТИҚ, ЯШАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН БЎЛСА КЕРАК, ҲОЗИРДАНОҚ УЙЛАРИМИЗ, КЎНГИЛЛАРИМИЗ, КЎЧАЛАРИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ НАФАСЛАРИ КЕЗА БОШЛАДИ.

Янги йил келяпти...

Мен ҳаммиса «Бу байрам бизники эмас, уни нишонлаш нотўғри», деган фикрдан йироқ бўлганман. Майли-да, байрам кимники бўлишидан қатъи назар, йил янгиланган. Шу йилдаги қувонч-ташвишларимиз билан биз ҳам бормиз. Шунинг учун байрам қилсак қилибмиз-да. Ортимизга қараб, босиб ўтган кунларимизни сарҳисоб қилсак, хатолардан сабоқ чиқарсак, янги умидлар учун ўзимизни чоғласак, кучимизни чамаласак... Бу ҳаракатларнинг бирортасида кишининг вашига тегадиган нуқталар йўқ (ёлов ҳисоботлар, бўрттирилган рақамлар, таги бўш ваъдалар бўлмаса), албатта.

бўлиши шартдек, зўё. Ноз-неъматларнинг рўйхати ёзилади, унга амал қилинмаса бўлмайди... Ахир, битта қоринни тўқлаш учун қанча егулик кетади? Ярим ой олдиндан бозорга чоп, дўконга чоп, хуллас, шундай «чоп-чоп»лар қўл келмаётгани нарх-наволарнинг сакраб кетишига... Қанийди, бизнинг дўкондорларда «Йилда бир келадиган байрам. Одамлар бола-чақаси билан бир яйраб ўтирсин, овозина арзонроқ қилай», деган тўйгу бўлса... Афсуски... Эсингиздами, вазият тақозоси билан ўтган йили икки кун электр энергиясиз қолгандик. Ушанда беш литрлик сулар, шамларнинг баҳоси бир неча бор кўтарилиб кетганди. Байрам дастурхонларини камхарж, ихчам қилиб, дид билан безатсак бўлмасмикан? Ё бизда ҳали ҳам ибтидодан келётган «Янги йилни қандай қутиб олсанг, йил буйи шундай яшайсан», деган айтилмишга илҳос борми? Ахир, ёлов билан ростни ажратадиган пайт келмадимми? Мен юртдошларимизнинг бир қўнлик дастурхон учун шу қадар жон кўйдириб, югуриб юрганларини кўрсам, ичimde нимадир узилгандай бўлади. «Тўхтанглар, вақтимиз ва маблағимизни арзийдиган нарсаларга сарфласак бўлмайди», дея ҳайқиргим келади. Шу кунларда тўхталардан, ҳатто телевизор экранларидан ҳам ёғ ҳиди келатганга ўхшайди. Тадбиркорлар алақачон Янги йил дастурхонига кетадиган маҳсулотлар рекламасини бошлаб юборишди. Кейинги йилларда байрам кунлари бир нарса урфга қиряпти. Янги қатталар орасида олди-берди бошланган. - Утган йили келишимнинг онаси Янги йил байрамида узук ҳадя қилган эди. Керак эмас, тўй бўлмаса, ҳайит бўлмаса, - деб роса оёқ тирасам ҳам, «Хурматиниз бор, ўйил туққан онасиз», деб шу ишни қилишди. Энди бу байрамда қайтаришим керак. Қайтармасам, гап-сўз қилиши мумкин. Аксиза олди, тиллоларнинг ҳам нархи яхшигина ошди, - дея ёзғиради бир танишим. Тешик қулоқ эшитишди. Кимдир қувдасиза байрам тўғрисида сифатида юз доллар туғиб юрибди, яна кимдир Дубайнинг матосини олмоқчи... - Пул ўзиники, қўда ўзиники, қилавермайди, сизга нима, дейсизми? Менга нима эмас-да, мен опа-сингилларимизнинг ҳануз шу тўрларга ўралиб яшаётганидан қунон-

ман. Шундай нарсалардан баланд кўтарила олмаётганига сиқиламан. Модомики, гап Янги йил ҳақида кетаётган экан, яна бир ўйловим бор. Ҳадемай кўчаларда, хиёбонларда маржон-маржон чироқлар ёнади. Улар байрам кайфиятини беради. Лекин бу чироқлар шу қадар кўпки, уларга қараб, вилоятдан келган бир дўғонамнинг йиғлаб айтган гапини эсладим. - Бизнинг болаларимиз тез-тез чироқ ўчгани учун шам ёруғида дарс қилишади. Интернет улмагани учун тармоқдан берилган диган уйга вазифаларни билломай, «дод» деймиз. Бу ерда пориллаб ётган чироқларни кўринг. Бизнинг ташвишимиз ташвишига солмас экан-да, бу ердагиларни... Уни қандай овутишни билмаган эдим. Майли, бундай ҳашам шаҳарлар учун керакдир, лекин электр энергиясини тежаш заруратга айланаётган кунларда бу «керак» керакмикан? Пақилдоқлар ҳақида ниҳоятда кўп айтилди, аммо ўзгартириш йўқ. Одамларнинг юрағида «Мендан ташқарида меникилар бор, уларнинг қувончи - қувончим, дарди - дардим» деган ноёб бир тўйгу уйвонмагунча бу пақилдоқлар кексаларнинг юрагини ёриб, болаларни жароҳатлаб пақиллайверади... Мен неқбин одамман. Мақолани шундай тугатгим келмапти. Миллатдошларим байрам ҳақида ўйлаганида фақат таомлар тўғрисида эмас, шахс камолоти, юртни тараққиётга етаклайдиган тағлим сифатини кўтариши, коррупциясиз тиббий хизмат, коррупциясиз судлов тизими... ҳақидаги ва бошқа қандайдир яхшиликлар фикрларига қуийлиб келишига ишонаварман. Зора, шундай бўлса... Ахир, йил янгиланган, Янги йил келяпти...

Кутлибека РАХИМБОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALIMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PHIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43
Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdjalilov

Bosishga topshirish vaqti - 01:40
Topshirildi - 02:10

Bahosi kelishilgan narxda
Manzillim:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 010 ta
Shundan: 7 128 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi - Samarqand shahri, Spitemen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tobaq. Buyurtma G-1211
1 2 3 4 5 6

Биз болаларимизни нечоғли қадрляймиз?

— Тақсир, бир пйёла чой берсангиз.
— Ёш болага чой ичишни ким кўйибди, ана, ариқ тўла сув, ичавер.
Машхур қаламқаш — Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулومнинг бундан 87 йилча бурун чоп этилган «Шум бола» қиссасида ўша даврда болаларга муносабат қандай бўлгани рўй-рост очиб берилган. Асардаги кичик эпизодларда ҳам катталар кўпинча кичик ёшлиларни айблашлари, уларнинг фикрларини тингламасликлари ва хоҳиш-истакларини инобатга олмасликлари, ўзларидан ортган нарсаларгина болаларники бўлиши мумкин, деб ҳисоблашлари баён этилган. Бунга қараганда, ҳозирга келиб қиссада ўз ифодасини топган ўша ҳақиқатлар янада жиддийлашмоқда. Халқимиз ноннинг қадрига етиш, увогини ҳам увол қилмаслик ҳақида кўп гап-пиради ва унга амал қилади. Бошқа егуликларни ҳам имкон қадар исроф қилмаслик пайида бўлади. Аммо ўзбек сегментини бола қадри тушунчаси ҳам борми? Аслида, жамиятимизда кичкинтойлар қай тарзда ўсиб-ўлғаймоқда?



Афсуски, инсон қадри кенг миқёсда улуғланаётган бир пайтда қанчадан-қанча гўдаклар қотиллик қурбони бўлмоқда. Боғча болаларининг бирваракайига доридан захарлангани, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига нисбатан жинсий таъзияк ва зўравонликлар, йўллардаги автохалокатлар, оилавий можаролар тўғрисида рўй бераётган ўлимлар сони табиий ҳолатдаги ўлимлар кўрсаткичларига тенглашмоқда. Боғчада ёш болани аёвсиз калтаклаган тарбиячи унга етти ёт бегона бўлиши мумкин, аммо айрим оналар юрагининг бир парчаси бўлиш дилбандини сувга чўктираётгани ёки ёқиб юбораётганига, бошқа бировага бемалол сотаётганига, сўнгги пайтларда бу баъзи кишилар учун оддий ҳолга айланган бораётганига, бундай нохуш хабарлар тез-тез ижтимоий тармоқларда ёритилаётганига нима дейсиз? Ёки «Бола думалаб-думалаб ўзи катта бўлади» деган гапни ўзига шиор қилиб олган, сўтдан чиқмаган гўдагини ҳали ўзи ҳам бола ёшидаги катта қизига топшириб, далагами-бозоргами шошадиган оналарнинг иш тутумини қандай баҳолайсиз?.. Тўғри, мурғаккина бола опа-акаларига қўшилиб, катта бўлиши, тарбияни маҳалладаги кўни-қўшиллардан олиши мумкин. Лекин уларнинг ҳеч бири ота-она ўрнини босолмайди. Билгасиз, иккиси болага бериши керак бўлган меҳр, ишонч, руҳий далда, дўстлик тўйгуларининг ўрни бўш қолаверади.

Фотожурналист Дилрух Исомиддинова ўз Инстаграм саҳифасида оналарга кўйидагича мазмунда мурожаат қилди:
...Аллоҳ айнан бизни танлаб, фарзанд берди. Бу - буюк неъмат! Унга бевътибор бўлиб, дунё ишларига ўралашиб қолиш инсофдан эмас. Сиз савод чиқариши учун мактабда тахсил олсангиз, дунёни таниш учун тил ўргансангиз, китоб ўқийсиз. Умрингизни илмага бағишламоқчи бўлсангиз, шунга яраша ҳаракат қилсангиз. Бироқ нега ўзингизга инъом қилган фарзандни яхши тарбиялаб улғайтириш, уни одоб-ахлоққа қилиб вояга етказиш ҳақида қайурмайсиз, шу ниятда изланмайсиз? Нима учун ҳаётга бунчалик енгил қарайсиз? Сиз улғайтирадиган фар-

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

korzinka **UZTELECOM MOBILE**

SIM-KARTA
UZTELECOM
100 GB BONUS

SIM-kartani faollashtirish
SIM-kartaning plastikida berilgan shtrix-kodni skanerlang

Faollashtirish
Qo'lda kiritish

Korzinka supermarketlarida SIM-karta xarid qiling va MyUZTELECOM ilovasi orqali faollashtiring
100 GB BONUS
Batafsil ma'lumot uztelecom.uz saytida

Reklama

«UZTELECOM»ga ulanish yanada osonlashdi!
«Korzinka» do'konlaridan birida «UZTELECOM»dan yangi, o'zingiz faollashtirish imkoniyatiga ega bo'lgan SIM-kartani xarid qiling va bonus sifatida 100 GB internet trafikka ega bo'ling!

Endi ofisga borib, hujjatlarni rasmiylashtirish shart emas. 3 qadam va aloqada bo'ling:
- SIM-kartani «Korzinka» do'konlaridan xarid qiling;
- «MyUZTELECOM» ilovasini yuklab oling;
- Plovada istalgan raqam va tarifni tanlab, o'zingiz faollashtiring.
«MyUZTELECOM» ilovasini yuklab oling, ro'yxatdan o'ting va 24/7 rejimida aloqada bo'ling!
UZTELECOM - doimo Sizga yaqin bo'lgan operator!
Xizmatlar litsenziyalangan

Эълонлар

«POKSON TOSHKENT» МЧЖ (СТПР: 205 825 364) устан жамғармасы 252 921 000 сумдан 1 000 000 сумга қалмайтараққийлаётгани маълум қилади.
Талаблар, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яншообд тумани, Жарқўрғон МФЙ, Жарқўрғон кўчаси, 47-«а» уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси томонидан ХИИ «Ўзбекистон рингли металл парчалари» чиккиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» АЖС бориган 2020 йил 3 август куниндаги №008723-сонли наркотик восталар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг мўмуалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензияси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Нуриддин Ҳамроқулов ижросида
«Ажаб сирлар» қўшиғи
Мурод Раҳмон шеъри.